

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РАХМОНОВА КАМИЛЛА ЭРКИНОВНА

**ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИК ТАЪСИРИДА ТИМУСНИНГ СТРУКТУР-
ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАЖРИБАДА БАХОЛАШ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

**Тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Medical
Sciences**

Рахмонова Камилла Эркиновна

Энергетик ичимлик таъсирида тимуснинг структур-функционал
хусусиятларини тажрибада баҳолаш3

Рахмонова Камилла Эркиновна

Оценка структурно-функциональных особенностей тимуса при воздействии
энергетического напитка в эксперименте.....23

Rahmonova Kamilla Erkinovna

Evaluation of structural and functional characteristics of the thymus under the
influence of an energy drink in an experiment.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works.....47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РАХМОНОВА КАМИЛЛА ЭРКИНОВНА

**ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИК ТАЪСИРИДА ТИМУСНИНГ СТРУКТУР-
ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАЖРИБАДА БАХОЛАШ**

14.00.02 – Морфология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2649 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ильясов Азиз Саидмуратович

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбонов Саид Сафарович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахматова Мукаддас Холтаевна

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил 18 декабр куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: (+998-95) 911-00-50. e-mail: info@buxmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунини тарқатилган.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, DSc

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунеда сўнгги ўн йилларда энергетик ичимликлар истеъмолининг ўсиши, айниқса ёшлар ўртасида, ҳамда улар билан боғлиқ соғлиқ учун хавфлар глобал муаммога айланиб бормоқда. Кофеин, шакар ва бошқа стимулятор моддаларни юқори миқдорда ўз ичига олган энергетик ичимликлар иммун тизими органларига, жумладан, тимусга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Энергетик ичимликлар таркибидаги компонентлар оксидловчи стрессни келтириб чиқаради ва гормонал мувозанатни бузади, бу эса тимусда тузилиш ва функция жиҳатидан ўзгаришларга сабаб бўлиши эҳтимоли бор. Олимлар кофеинга боғлиқ интоксикация хавфи ҳақида огоҳлантирмоқдалар; бундай таъсир болаларда катталарга нисбатан анча кучлироқ намоён бўлади. Маълумотларга кўра, "...18 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшларнинг 70% энергетик ичимликларни алкоғол билан аралаштириб истеъмол қилади..."¹

Жаҳон миқёсида энергетик ичимликлар таъсирида иммун тизими билан боғлиқ касалликлар сони ортиб бормоқда. Болалик ва ўсмирлик даврида тимус фаол ишлайдиган орган ҳисобланади, ва айнан шу даврдаги ҳар қандай салбий таъсирлар иммун тизимига узоқ муддатли салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин, "...унинг морфофункционал тузилишидаги бузилишлар иммун тизимида жиддий дисфункцияларни келтириб чиқариши мумкин, айниқса фаол ўсиш даврида..."² Энергетик ичимликларнинг иммун тизими органлари, жумладан тимусга бўлган таъсири ҳали етарлича ўрганилмаган, шу боис бу соҳада янада чуқурроқ тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган комплекс ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан устувор вазифалар белгилаб олинган, "тиббий хизматлар самарадорлиги, сифати ва уларнинг аҳолига етарли даражада етказилишини таъминлаш; тиббий стандартлаштириш тизимини яратиш; замонавий юқори технологияли усулларни жалб қилган ҳолда соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш; патронаж, диспансеризация ва касалликларнинг олдини олиш"³ бўйича самарали моделларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш Ушбу йўналишлар доирасида энергетик ичимликлар таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш сифатини ошириш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ замонавий даволаш усулларига қўшимча равишда, илмий асосланган анъанавий даволаш усулларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш, айниқса

1 Трофимов Н. С. и др. Влияние энергетических напитков на здоровье человека //Крымский журнал экспериментальной и клинической медицины. – 2019. – Т. 9. – №. 3. – С. 75-82.

2 Инчли Ж., Карри Д., Будисавлевич С. ва бошқалар / 1-жилд. Асосий хулосалар. Копенгаген: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси. Ҳавола орқали мавжуд: <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/332091/9789289055000-eng.pdf>. 2020 йил 13 январ ҳолатига кўра.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

энергетик ичимликлар таркибидаги зарарли моддаларнинг ножўя таъсири натижасида ривожланадиган тимус безининг шикастланиши каби ҳолатларда, касалликлар ва уларнинг асоратлари даражасини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада ҳисса қўшади: 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”; 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”; 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”, шунингдек, мазкур соҳани тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муайян даражада хизмат килади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Энергетик ичимликларнинг (ЭИ) оммавий ишлаб чиқарилиши илк бор ўтган асрнинг 60-йилларида Японияда ташкил этилган (Штерман С.В., 2018). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (2024) ва The Guardian нашри маълумотларига кўра, энергетик ичимликлар ортиқча вазн, II тур қандли диабет, иммун тизими касалликлари ва юрак-қон томир тизими касалликлари хавфини оширади. Бунга қарши равишда Европа озиқ-овқат хавфсизлиги агентлиги (EFSA) энергетик ичимликларнинг инсон соғлиғи учун хавфсизлигини тасдиқлаган. 2000–2019 йиллар мобайнида АҚШнинг Заҳарланишлар мониторинги маркази энергетик ичимликларнинг организмга салбий таъсири билан боғлиқ 5103 та ҳолатни қайд этган. Улар орасида: умумий ҳолат ёмонлашиши – 552 та, 1 та ўлим, 24 та оғир ва 527 та ўрта даражадаги юрак-қон томир тизими бузилишлари қайд этилган (Demirel A., 2023).

АҚШ Озиқ-овқат ва дори-дармон назорати бошқармаси (FDA) 2004–2012 йиллар давомида энергетик ичимликларни истеъмол қилиш билан боғлиқ 166 та нохуш таъсир ҳолатини, жумладан 18 та ўлим ҳолатини ҳужжатлаштирган (Başgöze S., 2023).

Энергетик ичимликларни истеъмол қилиш билан боғлиқ биринчи жигар шикастланиши ҳолати 22 ёшли қизда кузатилган бўлиб, у тахминан 10 банкалик ичимлик истеъмол қилган. Муаллифлар бу ҳолатни ичимлик таркибидаги В3 витаминининг юқори миқдори билан боғлашган (Kozhabek L, 2022). Энергетик ичимликлар таъсир кўрсатадиган асосий органлардан бири – буйрак ҳисобланади. Чунки уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ ўткир буйрак етишмовчилиги ҳолатлари қайд этилган (Lévy S, 2019). Шунингдек, энергетик ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш тиш эмалининг эрозияси

ва ортиқча вазн ривожланишига олиб келиши мумкин (Li P. ва бошқалар, 2022).

Жисмоний фаоллиги паст бўлган шахслар томонидан энергетик ичимликларни ортиқча миқдорда истеъмол қилиш улар таркибидаги фруктоза ва углеводли ширинлатгичлар туфайли семизлик ривожланишига сабаб бўлиши мумкин (Goldfarb M., 2014). Бундан ташқари, энергетик ичимликлар гиперинсулинемияга ҳамда тўқималарнинг инсулинга сезгирлигини тахминан 30% га камайишига олиб келиши мумкин (Wilson R.E., 2012).

Кўплаб илмий тадқиқотлар энергетик ичимликларни истеъмол қилиш натижасида иммун тизими, айниқса, тимус томонидан юзага келувчи асоратлар морфологик баҳоланиши, тузатувчи чора-тадбирлар кўрилиши ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга қаратилган тадбирларни талаб этишини тасдиқламоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолисининг соғлиғига таъсир килувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш, даволанишнинг янги усулини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй)» мавзу доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади энергетик ичимликлар таъсирида тимусда юзага келувчи морфофункционал ўзгаришларни ўрганиш ва зиғир мойининг химоявий ролини баҳолашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тимуснинг морфофункционал хусусиятлари ва унинг реактив ўзгаришларини меъёрий ҳолатда ва энергетик ичимликлар таъсирида таққослама таҳлил қилиш;

тимуснинг пўстлоқ ва магиз қисмидаги ҳужайравий тузилмаларни меъёрий ҳолатда ва энергетик ичимликлар қабул қилинганидан кейинги реактив ўзгаришларда ўрганиш ва баҳолаш;

зиғир мойининг антиоксидант хусусиятлари ҳамда тимуснинг строма ва ҳужайравий компонентлари шикастланганда унинг иммунстимуляторлик таъсирини аниқлаш;

энергетик ичимликлар таъсирида ва зиғир мойи орқали коррекция қилинган ҳолатда тимусда юзага келадиган иммуногистокимёвий ўзгаришларни (апоптоз ва семиз ҳужайралар сони) таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида икки жинсли, 3 ва 5 ойлик бўлган 209 та зотсиз оқ каламушлар ўрганилган.

Тадқиқот предмети сифатида зотсиз оқ каламушларнинг тимус тўқимасидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари: Морфологик, морфометрик, гистологик, иммуногистохимик ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор, энергетик ичимликлар истеъмоли каламушлар тимусида морфологик ўзгаришларга олиб келиши, хусусан, интерстициал стромадаги коллаген толалари тутамлар сони ва қалинлиги кескин ортиб борганлиги исботланган;

илк бор энергетик ичимликлар таъсирида тимуснинг иммун ҳужайравий компонентларидаги тузилиш ўзгаришлари тавсифланди, бу эса органнинг функционал фаоллигини пасайишига, магиз қисмида Гассал таначаларининг кўпайиши ва кальцификация жараёнларининг кучайишига сабаб бўлади; бу ўзгаришлар органдаги дистрофик жараёнларни акс эттирганлиги асосланган;

тадқиқот давомида аниқландики, зиғир мойи тимус тузилиши ва функциясига мусбат таъсир кўрсатиб, орган тўқимасидаги иммун гомеостазнинг тикланишига ёрдам бериши ўрганилган;

биринчи марта комплекс гистологик, иммуногистокимёвий ва гистокимёвий тадқиқотлар орқали энергетик ичимликларнинг (ЭИ) ҳайвонлар тимусига салбий таъсири исботланди. Бу таъсир тўқима семиз ҳужайраларининг кўпайиши ва антиапоптотик Bcl-2 маркери экспрессиясининг ошиши орқали намоён бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тимус микротузилмасида энергетик ичимликлар таъсир даражасини аниқлаш бўйича кадамба-кадам тадқиқот ўтказиш усули ишлаб чиқилди ва амалиёт учун тавсия этилди;

турли ёшдаги оқ зотсиз каламушларда энергетик ичимликлар таъсирида тимуснинг морфологик хусусиятлари таққосланди, бу эса ушбу йўналишдаги экспериментал тадқиқотлар учун муҳим амалий аҳамиятга эга;

иммуногистокимёвий метод орқали лаборатор ҳайвонларнинг 3 ва 5 ойлик ёшида Bcl-2 антиапоптотик маркерининг юқори даражада экспрессияси аниқланди, бу ҳолат морфологик ўзгаришларни баҳолаш усули сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот хулосалари, таҳлил ва қиёслаш орқали етарли миқдордаги тажриба ҳайвонларидан олинган маълумотлар асосида, шунингдек, замонавий мутаносиб экспериментал, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланган ҳолда асосланади. Шунингдек, натижалар мамлакатимиз ва халқаро муаллифларнинг маълумотлари билан солиштирилган, ва олинган маълумотлар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Илмий аҳамияти шундаки, натижалар тимуснинг нормал ҳолатидаги тузилиш элементлари ва уларнинг энергетик ичимликлар таъсиридаги ўзгаришлари тўғрисидаги назарий билимларни бойитади ва тўлдиради, ҳамда энергетик ичимлик таъсирининг даражасини баҳолаш имконини яратади. Бу натижалар турли илмий соҳаларда қўлланилиши мумкин.

Амалий аҳамияти шундаки, энергетик ичимлик тимус морфологиясига салбий таъсир кўрсатиши, жумладан тимус тўқимаси ҳажмининг ортиши ва миастения жараёнларига олиб келиши аниқланди. Зиғир мойи таъсирида олинган маълумотлар лимфоид тўқималарда деструктив ўзгаришларнинг

олдини олишда корректор сифатида қўллаш имконини беради. Бу уни профилактика воситаси сифатида фойдаланиш истиқболини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши

Тимуснинг морфофункционал хусусиятларини энергетик ичимлик таъсирида таҳлил қилиш бўйича илмий хулосалар асосида «Энергетик ичимлик таъсирида тимуснинг тузилиш-функционал хусусиятлари ва унинг реактив ўзгаришлари» мавзусида услубий тавсиянома ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар тимусдаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш, уларни ўз вақтида даволаш ва асоратларнинг олдини олиш тизимини шакллантиришга ёрдам берди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хулосаси №24-т/092, 2024 йил 30 ноябр).

Олинган илмий натижалар асосида, энергетик ичимликлар таъсирида бўлган зотсиз оқ каламушлар тимусидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш хусусиятлари илк бор ўрганилиб, энергетик ичимликларни истеъмол қилиш тимус тўқимасида аниқ ифода этилган морфологик ўзгаришларга олиб келиши исботланди.

биринчи илмий янгилик: энергетик ичимликлар каламушлар тимусида стромадаги коллаген толаларининг тутамлари сони ва қалинлашуви кескин ортиб борганлиги қайд этилди. Ушбу ўзгаришлар Ван-Гизон бўёғи ёрдамида аниқланди. *Ижтимоий самарадорлиги:* оқ зотсиз каламушлар тимусида энергетик ичимликлар таъсиридаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш усулини экспериментал тадқиқотларда қўллаш олиб борилаётган илмий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, олинган натижалар асосида ушбу тоифадаги беморларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилайти, оғир асоратларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ва даволаш тадбирларини такомиллаштириш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* энергетик ичимликларни мунтазам истеъмол қилган инсонларда тимус тўқимаси ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш усулини амалиётга жорий этиш аутоиммун ва иммунопатологик касалликлар хавфини камайтиради, уларни даволашга кетадиган харажатларни қисқартиради, лаборатор тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни камайтиради, шунингдек, экспериментал тадқиқотлар ва патоморфологик таҳлилларни оптималлаштиради. Натижада ҳар бир тадқиқот серияси учун тахминан 188000 сўмгача иқтисодий тежамкорликка эришилади.

иккинчи илмий янгилик: энергетик ичимликлар таъсирида тимуснинг иммун ҳужайравий компонентларидаги тузилиш ўзгаришлари тавсифланди, бу эса органнинг функционал фаоллигини пасайишига, магиз қисмида Гассал таначаларининг кўпайиши ва кальцификация жараёнларининг кучайишига сабаб бўлиб, бу ўзгаришлар органдаги дистрофик жараёнларни ифодалашни, биринчи марта аниқланди. *Ижтимоий самарадорлиги:* энергетик ичимликлар таъсиридаги зотсиз оқ каламушларнинг тимусидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш усулини қўллаш жамоат саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиш салоҳиятига эга. *Иқтисодий самарадорлиги:* ёшлар ўртасида кенг тарқалган истеъмоли ҳисобга олиниб, тимус тузилмаларида

аниқланган ўзгаришлар иммун тизимига бўлган салбий таъсирларни баҳолаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: тадқиқот давомида энергетик ичимликлар таъсирида тимус функцияси тузулишига зиғир мойи мусбат таъсир кўрсатиб, орган тўқимасидаги иммун гомеостазнинг тикланишига ёрдам бериши исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Омега-3 каби табиий компонентларга бой бўлган зиғир мойи иммун тизимини тиклашга қаратилган, бу ўз навбатида янги диетологик тавсиялар ва терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқишга замин яратади. *Иқтисодий самарадорлиги:* зиғир мойи соғломлаштирувчи таъсири маҳаллий озиқ-овқат саноатида иқтисодий самара берувчи омил ҳисобланади.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор комплекс гистохимик ва иммуногистохимик тадқиқотлар орқали энергетик ичимликларнинг ҳайвонлар тимусига салбий таъсири урганилиб, бу таъсир тўқима семиз ҳужайраларининг кўпайиши ва антиапоптотик Bcl-2 маркери экспрессиясининг ошиши орқали намоён бўлиши исботланган. Bcl-2 маркери билан ўтказилган тадқиқотда, назорат гуруҳида апоптоз экспрессияси 3 ойлик каламушларда 7,58%, 5 ойликларда эса 6,41% ни ташкил этган. Энергетик ичимликлар истеъмол қилинган гуруҳида ушбу кўрсаткич 35,41% ва 35,15% гача ошган. Семиз ҳужайралар гиперхром бўялиши, цитоплазмада базофил гранулярлик ва заррача сонининг кўпайиши билан намоён бўлди. *Ижтимоий аҳамияти:* ушбу натижалар асосида болалар ва ўсмирлар ўртасида энергетик ичимликлар истеъмолини чеклаш, иммунопатологик ҳолатларнинг олдини олиш, хавф ҳақида аҳолини хабардор қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин. *Иқтисодий самарадорли:* болалар ва ўсмирлар ўртасида энергетик ичимликлар истеъмолини чеклаш, таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш орқали иммунопатологиялар, аллергия ва аутоиммун касалликлар сони камади; бу эса давлат тиббий харажатларини сезиларли даражада қисқартиради. Бир иммунопатология касаллиги билан боғлиқ даволаниш харажати ўртача 1 нафар бемор учун 2 миллион сўмни ташкил этади. Хулоса: Энергетик ичимликлар таъсирининг зарарлилиги илмий жиҳатдан исботланганлиги — соғлом овқатланиш сиёсати ва профилактик дастурларни такомиллаштиришга асос бўлади. Бу тадбирлар натижасида: тиббий харажатлар қисқаради, аҳоли меҳнат фаоллиги ортиб, йиллик ҳисобда миллиардлаб сўм миқдорида иқтисодий самара таъминланади. Ушбу натижалар Бухоро вилояти Республика онкология ва радиология илмий-амалий маркази филиали фаолиятига жорий этилди ва 2024 йил 13 декабрда (04/12548) ҳамда Бухоро патологик анатомия бюросида 28 ноябрда (04/11880) тегишли буйруқлар билан тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари 5 та илмий конференция, жумладан 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Илмий ишлар нашри: Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий мақола чоп этилган, улардан 6 таси журнал мақолалари бўлиб, 4 таси республикада,

2 таси хорижий ва Олий аттестация комиссияси тавсия этган журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли ичимликлар тасирида тимуснинг морфофункционал хусусиятларини баҳолаш ва унинг реактив узгаришлари тахлили**» деб номланган биринчи бобида ушбу мавзуда сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлиliga бағишланган. Унда миллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг мавзуга оид илмий ютуқлари ва муаммонинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган. Боб учта кичик бобдан иборат бўлиб, уларда адабиётлардан олинган маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги илмий жиҳатдан асосланган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида лаборатория ва морфологик тадқиқотлар натижалари келтирилган. Ушбу бобда тадқиқот объекти, предмети ва қўлланилган статистик усуллар ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертация иши 2022-йилдан 2025-йилгача бўлган даврда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий ва тажрибавий Биотиббиёт тадқиқот маркази лабораториясида бажарилган. Тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти маҳаллий этика қўмитасининг рухсатномаси №1560/13/02/25 асосида ўтказилган.

Тимус тўқимаси бўйича тадқиқот объекти оқ зотсиз каламушлар (жами 209 та эркак ва урғочи каламушлар) бўлган, улар 1 ва 3 ойлик ёшда тадқиқотга жалб қилинган. Каламушлар уч гуруҳга ажратилган (n=209): I гуруҳ (назорат гуруҳи): 3 ойлик (n=34) ва 5 ойлик (n=35) жониворлар. II гуруҳ (тажриба гуруҳи): энергетик ичимлик истеъмол қилган каламушлар — 3 ойлик (n=35) ва 5 ойлик (n=33), 2 ой давомида 10 г/кг/кун миқдорида ичирилган. III гуруҳ: энергетик ичимлик ва зигир мойини биргаликда қабул қилган жониворлар — 2 ой давомида ЭИ (энергетик ичимлик) ва зигир мойи (8 мл/кг/кун) берилган, 3 ойлик (n=34) ва 5 ойлик (n=38) каламушлар.

Макроскопик баҳолашдан сўнг, ажратилган тимус органи намуналари 10,0% нейтрал формалинда фиксация қилинган, гистологик ишлов бериш жараёни Японияда ишлаб чиқарилган Histo-Tek VP-1 Vacuum Infiltration Processor (Japan 17000526-0923) автоматлаштирилган ускунасида амалга


оширилган. Шундан сўнг, намуналар Япония ишлаб чиқарувчиси KEDEE KD-VM III Embedding Center парафин қуйиш станциясида парафинга солинган 3–4 мкм қалинликдаги бўлақлар KD-3368AM ротацион микротомда (Japan) тайёрланган. Гистологик бўлақлар гематоксилин-эозин, Ван-Гизон бўйича, толуидин кўки билан гистохимик ва иммуногистохимик усуллар билан бўяган. Иммуногистокимёвий тадқиқот учун 3 мкм қалинликдаги кесмалар депарафинизация, дегидратация ва антиген демаскировкаси амалга оширилган. Кейин антиапоптотик Bcl-2 маркери билан бўяш Leica BOND (Германия) автоматлаштирилган иммуногистостейнерида махсус ишлаб чиқарувчи протоколи асосида ўтказилди.

Тайёр гистологик препаратлар Leica DM 2500 LED бинокуляр ёруғлик микроскопида кўриб чиқилган, микроскоп X7CAM4K16MPA Multiple Output рақамли тасвир узатиш тизими ва морфометрик таҳлил дастури билан жиҳозланган. Ушбу дастур ёрдамида тимуснинг пўстлоқ ва магиз моддаси ҳажми ўлчанган, микрометрларда шкала белгилаб, тадқиқот объектига қўлланилган. Хужайра элементлари ҳисоботи Г.Г. Автандиловнинг 100 кесишувли морфометрик панжараси ёрдамида окуляр x10 ва объектив x10 қўлланилиб амалга оширилган. Ҳар бир тимус препаратида 10 та кўриш майдонида хужайравий тузилмаларга тушган кесишувлар сони ҳисобланган. Лимфоцитлар, макрофаглар ва Гассал таначаларининг микдорий таҳлили ×400 катталаштиришда 10 та майдонда бажарилган. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончилигини баҳолаш учун вариацион статистика усуллари қўлланилган.

Маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel 2019 (Microsoft, АҚШ) дастури ёрдамида амалга оширилган. Ўртача қийматлар орасидаги фарқнинг аҳамиятлигини баҳолашда Стьюдент t-критерийи қўлланилган, хато эҳтимоли (P) ва асосий дисперсияларнинг тенглиги Фишер F-критерийи асосида баҳоланган.

Диссертациянинг **“Қаламушлар тимусининг морфо-функционал хусусиятлари ва унинг энергетик ичимлик таъсиридаги реактив ўзгаришлари”** деб номланган учинчи бобида 3 ва 5 ойлик оқ қаламушларда энергетик ичимлик таъсирида тимус тўқимасининг микроскопик параметрларининг ривожланиш натижалари келтирилган. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўзгаришлар ўрганилган. Шунингдек, энергетик ичимлик билан бир вақтда зигир мойи таъсиридан сўнг тимус параметрларининг ҳолати тақдим этилган.


Тадқиқот натижаларига кўра, 5 ойлик назорат гуруҳидаги жониворларда капсула қалинлиги 13,8%, трабекулалар эса 13,6% га ўсгани аниқланган. Капсула зич толали боғловчи тўқимадан иборат бўлиб, унинг сатҳи тегис ва доимий тарзда сақланган. Ундан таралган ингичка боғловчи тўқималар органи бўлақчаларга ажратган. Ушбу гуруҳдаги 5 ойлик жониворларда капсула ва трабекулалардаги коллаген толалари тутамларнинг ўсиш суръати мос равишда 14,5% ва 27,1% ни ташкил этган. Коллаген толалари камроқ тартибланган ва шохланган тўпламлар ҳолида шаклланган (1-расм).



1-расм. Назорат гуруҳидаги 3 ойлик ок каламуш тимусининг коллаген толалари тутамларининг тузилиши.

1–тимус капсуласининг коллаген толалари тутамлари; 2–тимус тўқимасининг коллаген толалари тутамлари; 3–тимус паренхимаси; 4–қон томирлари; 5–ёғ тўқимаси. ван-Гизон бўйича бўйаш. Ок10хоб40.


Назорат гуруҳидаги 5 ойлик ҳайвонларда тимуснинг пўстлоқ қатлами ўсиш суръати 3 ойлик даврга нисбатан 25% ни, магиз қатлами эса 3,57% ни ташкил этди (2-расм)



2-расм. Назорат гуруҳидаги 3 ва 5 ойлик каламушлар тимусининг пўстлоқ ва магиз қатлами.

Аниқланишича, энергетик ичимликлар (ЭИ) таъсири давомида (яъни, 2 ой давомида ЭИ қабул қилган каламушларда) капсула ва трабекулалар параметрлари ортиб борган. 3 ойлик даврда тимус капсуласининг девори қийосий назорат гуруҳига нисбатан 19,7% га, ундаги коллаген толалари тутамлари эса 21,8% га қалинлашган (3-расм). 5 ойлик даврда эса капсула


девори 17,7% га, капсуладаги коллаген толалари эса 25,1% га ортиқ бўлгани кузатилган. Тадқиқот натижаларига кўра, экспериментал гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан тимус капсуласи ва унинг бўлакчалари орасидаги трабекулаларда фиброзланиш қалинлашиш аниқланган. Энергетик ичимликлар таъсирида бўлган 3 ойлик ок каламушларда пўстлоқ қатлами ўртача 21,7% га, магиз қатлами эса 3,8% га ортиши кузатилган. 5 ойлик даврда пўстлоқ қатлами 19,9% га, магиз қатлами эса 9,5% га юқори бўлгани қайд этилган.



3-расм. Экспериментал гуруҳдаги 3 ойлик каламуш тимусининг қобик қисмидаги коллаген толалари тугунларининг тузилиши.

1–қалинлашган ва кенгайган коллаген толалари тутамлари (капсула ва трабекулаларда); 2–тимус паренхимаси; 3–қон томирлари. Ван-Гизон бўйича бўйаш. Ок:10хоб40.


Тадқиқот давомида ЭИ таъсирида тимуснинг пўстлоқ ва мия қатламларидаги хужайралар ўрганилган (4-расм). Қуйидаги хужайра тузилмаларида ўсиш кузатилди: лимфоцитлар – 22,3%, макрофаглар – 21,4%, дендрит хужайралари – 24,7%, эпителиоретикулоцитлар – 23,1%. Макрофаглар овал шаклда бўлиб, эксцентрик кўринишда жойлашган ядро ва ядрочаларга, ҳамда вакуолизацияланган цитоплазмага эга эди. 3 ойлик каламушлар мия қатламидаги хужайралар сони қуйидагича ортиши кузатилган: лимфоцитлар – 24,1%, вакуолизацияланган ва йирик ядро билан ажралиб турувчи макрофаглар – 24,6%, дендрит хужайралари ноаниқ – 21,7%, Гассал таначалари миқдори – 22,5% га ортиб, назорат гуруҳига нисбатан кўпчиликни ташкил этди. Ушбу таначалар узунчоқ шаклда, юқори даражада кератинизацияланган, ва уларнинг цитоплазмасида кальцинатлар кузатилди (5-расм).



4-расм. Тажриба гуруҳдаги 3 ойлик каламуш тимусининг магиз қатламидаги ҳужайравий тузилмалар.

1–зич жойлашган лимфоцитлар; 2–цитоплазмасида кучли вакуолизацияга эга гиперхром макрофаглар; 3–кератинизация ва марказида деградация белгиларига эга бўлган Гассал таначалари эпителий ҳужайраларининг концентрик қатламлари. Бўяш усули: гематоксилин-эозин. Ок :10хоб100.

Тадқиқот жараёнида аниқланишича, тажриба гуруҳдаги 5 ойлик каламушлар тимусининг пўстлоқ қатламидаги ҳужайралар миқдори қуйидагича ошган: лимфоцитлар – 24,5%, макрофаглар – 37,0%, дендрит ҳужайралари – 49,0%, эпителиоретикулоцитлар – 21,8% (6-расм).



5-расм. Тажриба гуруҳдаги 3 ва 5 ойлик каламушлар тимусида пўстлоқ ва магиз қатлами қалинлигининг кўрсаткичлари.

Магиз қатлами ҳужайралари – лимфоцитлар, дендрит ҳужайралари ва макрофаглар 23,9% гача, Гассал таначалари эса 18,7% га кўпайгани кузатилди, бу назорат гуруҳига нисбатан солиштирилган ҳолда қайд этилган (1-жадвал).


Энергетик ичимликлар таъсиридаги тажриба гуруҳдаги 5 ойлик оқ каламушлар тимусининг пўстлоқ ва магиз қатламлари ҳажми ҳамда ҳужайравий тузилмалари ($M \pm m$)

Катлам	Ҳажм	Ҳужайравий таркиб	Миқдор
Пўстлоқ катлами	282,0-331,0	лимфоцитлар	54,7±0,64*
	301,9±4,9*	макрофаглар	11,9±0,37*
		дендрит ҳужайралар	9,2±0,37*
		Эпителиоретикулоцитлар	3,2±0,3
Магиз катлами	500,0-597,0	лимфоцитлар	28,0±0,64*
	563,2±9,7*	макрофаглар	7,8±0,37
		дендрит ҳужайралар	8,1±0,37*
		Гассал таначалари	2,25±0,2

Изоҳ: * - ўртача арифметик қийматларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқи кайд этилган (* - $p < 0,05$).

Кузатилган ҳужайравий тузилмаларда аниқ ифода этилган деструктив ўзгаришлар, жумладан, ўлчамларнинг сезиларли ошиши, эпителий ҳужайраларининг концентрик қатламларининг қалинлашуви, кальцификация ва гиалиноз белгилари мавжуд бўлган. Магиз қатламидаги макрофаглар катталашган, вакуолаларга ва фагоцитланган ҳужайра элементларига эга бўлган. Лимфоцитлар деструкцияси кузатилган ҳудудларда макрофагларнинг маҳаллий тўпланиши, апоптотик таначаларни резорбция қилиш жараёни фаоллашгани ва хроник яллиғланиш ҳолати мавжудлигини кўрсатади (6-расм).

Иммунитет ҳолатини баҳолаш мақсадида энергетик ичимликлар билан бирга оқ тусли зотсиз каламушлар овқатланиш рационига зиғир мойи киритилди. Аниқланишича, 3 ойлик ёшга келганда коррекция гуруҳидаги зиғир мойи қабул қилган каламушларда капсулада коллаген толалари камайган. Ван-Гизон бўёғи ёрдамида назорат ва тажриба гуруҳлар билан таққослаш имконияти туғилди.



6-расм. Тажриба гуруҳдаги 6 ойлик ок каламушлар тимусининг мия қатлами ҳужайравий тузилмалари.

1–магиз қисми; 2–лимфоцитлар; 3–дендрит ҳужайралари; 4-кератинизацияси кучайган ва кальцинатларга эга Гассал таначалари; 5-вакуолизацияланган цитоплазмали, чўзиқ шаклли йирик макрофаглар. Бўёқ: гематоксилин-эозин. Ок.10хоб40.

Зиғир мойи қабул қилган гуруҳда 3 ойлик ёшда капсула қалинлиги 11,5% га, капсуладаги коллаген толалари эса 11,6% га камайди. Энергетик ичимликлар қабул қилган гуруҳ билан таққослаганда, трабекула қалинлиги 16,3%, трабекуладаги коллаген толалари 13,5% га камайган. Бу ҳолат зиғир мойининг антиоксидант хусусиятлари ва таркибидаги Омега-3 ёғ кислоталари таъсири билан изоҳланади. Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳи параметрларига яқинлашди. Шу ёшда ЭН таъсиридаги гуруҳ билан солиштирганда, структуранинг тикланиши ҳисобига фарқ 1,7 мкм ни ташкил қилди. Тимуснинг мия қатлами ҳажми зиғир мойи қабул қилган гуруҳда ЭН гуруҳига нисбатан 3,6 мкм га камайгани кузатилди.

3 ойлик ёшда зиғир мойи таъсиридаги каламушларда кортикал қатлам ҳужайралари қуйидагича бўлган: лимфоцитлар 52,0% дан 57,0% гача, макрофаглар 6,0% дан 11,0% гача, дендрит ҳужайралари 5,0% дан 8,0% гача, эпителиоретикулоцитлар 3,0% ни ташкил этган. 5 ойлик ёшда зиғир мойи таъсирида кортикал қатлам ҳужайралари камайган: лимфоцитлар 21,3% га, макрофаглар 20,2% га, дендрит ҳужайралар 17,9% га, эпителиоретикулоцитлар 14,3% га. Магиз қатлами ҳужайралари – лимфоцитлар 17,2% га, макрофаглар 18,2% га, дендрит ҳужайралари ва Гассал таначалари 12,5% га камайган. Концентрик тузилмалар ҳажми кичрайган, уларда гиалиноз ва кальцинация белгилари пасайган. 5 ойлик ёшда зиғир мойи қабул қилган каламушларда тимуснинг кортикал қатлами қалинлиги ЭН қабул қилган гуруҳга нисбатан 15,1% га камайган. Тимусдаги бу кўрсаткичларнинг пасайиши Омега-3 ёғ кислоталарининг ҳужайра

популяцияларининг тикланиш ва регенератив функцияларига ижобий таъсири билан боғлиқ.


Диссертациянинг тўртинчи боби «**Энергетик ичимлик таъсирида каламуш тимусида юзага келган тузилиш-функционал ўзгаришлар: гистокимёвий ва иммуногистокимёвий баҳолаш**» деб номланиб, унда толуидин кўк бўёғи ёрдамида семиз хужайраларининг турлари ва микроскопик тузилиши тасвирланган ҳамда Vc1-2 маркери орқали тимус тўқимасининг иммуногистокимёвий таҳлили амалга оширилган. Тадқиқотлар назорат, тажриба ва зиғир ёғи билан коррекция қилинган каламушлар гуруҳларида ўтказилган.

Толуидин кўк бўёғи билан гистокимёвий реакция ўтказилганда, назорат гуруҳига мансуб 3 ойлик каламушлар тимусида бир кўриш майдонида семиз хужайраларнинг сони 6 тадан 9 тагача эканлиги аниқланди. Тимус тўқимаси бўялганда, семиз хужайралари беқарор, тизимсиз жойлашгани, уларнинг ўлчами кичик, тузилиши нотекис ва базофил-донадорлиги мавжудлиги қайд этилди. Ядролар юмалоқ шаклда бўлиб, семиз хужайралар асосан органнинг стромасида, капсуласининг тўқимасида ва трабекулалар оралиғидаги тўсиқларда жойлашгани кузатилди. Назорат гуруҳидаги 5 ойлик каламуш тимуси тўқимасида толуидин кўк бўёғи билан ўтказилган гистокимёвий реакция натижасида, орган паренхимасида 4 тадан 6 тагача катта грануляр семиз хужайралари мавжудлиги аниқланди. Уларнинг цитоплазмаси ўртача даражада гранулага эга, ядролари эллипссимон шаклда, хужайра юзаси нотекис бўлиб, юлдузсимон мембранага эга. Тимус тўқимаси кўк рангга бўялган. Тадқиқот гуруҳидаги 3 ойлик каламуш тимусида толуидин кўк билан ўтказилган гистокимёвий реакция семиз хужайраларининг 8 тадан 14 тагача кўпайганини ва уларда интенсив бўёқ сингиши билан метахромазия содир бўлганини кўрсатди — бу ҳолда ядролар фиолет (бинафша рангга) бўялган. Ядролар кўп сонли, цитоплазма базофил-грануляр тузилмали, хужайра контурлари ноаниқ ва юлдузсимон шаклда кузатилди. Орган паренхимаси кўк рангга бўялган. Семиз хужайраларининг бундай миқдори ушбу органда патофизиологик жараёнлар ва яллиғланиш-аллергик реакцияларнинг жадал кечаётганлигидан далолат беради. Тадқиқот гуруҳидаги 5 ойлик каламушларда тўқима паренхимаси кўк рангга бўялган, семиз грануляр хужайралари гиперхром бўйалиш билан ажралиб туради. Грануляр семиз хужайралари сони бир кўриш майдонида 10 тадан 18 тагача ташкил қилган. Улар асосан тўқима перифериясида, цитоплазмаси базофил гранулярликка эга ҳолда жойлашган.

Гистокимёвий тадқиқотида 3 ойлик ок каламушлар тимуси тўқимасининг толуидин кўки бўёғи билан, зиғир ёғи билан коррекция қилинган гуруҳда семиз хужайралар сонининг камайиши аниқланди. Бир кўриш майдонида семиз хужайралар сони 6 тадан 10 тагача бўлиб, фиолет рангга, цитоплазмаси базофил гранулярлик билан бўялган. Бу ўзгаришлар дегрануляция фаоллигининг пасайишидан далолат бериши мумкин. 5 ойлик каламушларда ушбу гуруҳда тўқима паренхимаси кўк рангга бўялган, семиз грануляр хужайралар сони камайиб, 7 тадан 10 тагача фарқ қилган. Ушбу

ўзгаришлар, эҳтимол, зиғир ёғининг антиоксидант ва мембрана барқарорлаштирувчи таъсири билан изоҳланади (7-расм).

Олинган морфологик маълумотлар, тимусдаги семиз хужайралар сони ва сифатидаги сезиларли ўзгаришлар экзоген стимулятор омил таъсирида юзага келганини кўрсатади, бу эса энергетик ичимликлар таъсири ортида иммун тизимининг регулятор жиҳатдан зўриқишига ишора қилади. Семиз хужайраларининг функционал хусусиятлари туфайли патологик, физиологик ва аллергия реакцияларни, яъни туғма ёки мослашувчан иммунитетни намоён этувчи ҳолатларни аниқлаш мумкин бўлади. Семиз хужайралар гранулаларидаги полисахарид компонентлар (масалан, гепарин) билан боғланганда бўёқ моддаси спектрал хусусиятини ўзгартириб, унинг ранги кўкдан фиолет ёки тўқ қизил рангга ўтади. Метахроматик реакция семиз хужайраларини тўқиманинг бошқа элементларидан аниқ фарқлаш имконини беради.




7-расм. 5 ойлик каламушларнинг тимус тўқимасидаги семиз хужайралар (тажриба гуруҳи). Усул: толуидин кўки бўёғи билан бўяш.

Тўртинчи кичик боб “**Каламушлар тимусида Vcl-2 маркёри орқали иммуногистокимёвий баҳолаш**” мавзусида, назорат, экспериментал ҳамда зиғир ёғи коррекцияси қўлланган гуруҳларда апоптозга қарши (антиапоптотик) Vcl-2 маркёрининг мусбат экспрессияси таҳлил қилинган ва улар ўртасидаги таққослама хусусиятлар келтирилган.

Назорат, экспериментал ва зиғир ёғи коррекцияси қўлланган гуруҳларда Vcl-2 маркёри орқали олиб борилган иммуногистокимёвий тадқиқот натижаларига кўра, 3 ойлик каламушларнинг назорат гуруҳида тимус тўқимасида антиапоптотик Vcl-2 оқилига нисбатан 7,58% хужайрада мембранали мусбат экспрессия кузатилди. 5 ойлик назорат гуруҳидаги каламушлар тимус тўқимасида Vcl-2 маркёри билан бўялган иммуногистокимёвий таҳлилда эса мусбат экспрессия 6,41% ҳолларда аниқланди. Экспрессия асосан тимус паренхимасининг кортекс қисмида

мембранали бўялган ҳолда қайд этилди. Экспрессия даражасининг паст бўлиши, тимоцитларнинг элиминацияси ва сақланиши ўртасидаги физиологик мувозанат сақланаётганидан, яъни хужайраларнинг дастурланган ўлими – апоптоз жараёнининг нормал кечаётганидан далолат беради.

Аниқланишича, иммуногистохимёвий усул ёрдамида 3 ойлик каламушлар тимус тўқимасида Bcl-2 маркёрига нисбатан 35,41% ҳолатда мусбат экспрессия кузатилди. Мембранали бўялиш асосан тимус паренхимасининг кортекс (пустлок) қисмда жойлашган (8-расм).




Умумий хужайралар сони	2349
Ижобий хужайралар сони	838
Салбий хужайралар	1541
Ижобий намоёни	35.41 %
Умумий майдон	798147 px ²

8-расм. 3 ойлик каламушлар тимусида иммуногистохимёвий усулда Bcl-2 маркёри билан бўялган микропрепарат (тажриба гуруҳи).

Тажриба гуруҳда антиапоптотик Bcl-2 маркёрининг экспрессияси ошгани кузатилди. Бу эса хужайраларнинг дастурланган ўлими (апоптоз) кечмаётганини кўрсатади. QuPath-0.4.0.ink дастури ёрдамида экспрессия даражаси аниқланган. Мусбат реакция берган хужайралар қизил рангда белгиланган.

Тажриба гуруҳида 5 - ойлик каламушларнинг Bcl-2 маркёрининг экспрессияси тимус тўқимаси паренхимасида аниқланган бўлиб, айрим 35,15% ҳолларда мусбат реакция кузатилган (9-расм). Апоптоз блоккланиши учун жавобгар бўлган Bcl-2 маркёрининг фаоллашгани хужайраларнинг дастурланган ўлимига қарши ҳимоя механизмларининг ишга тушганини кўрсатади.



Умумий хужайралар сони	771
Ижобий хужайралар сони	270
Салбий хужайралар	501
Ижобий намоёни	35.15 %
Умумий майдон	292032 px ²

9-расм. Тажиба гуруҳдаги 5 ойлик ок каламуш тимуси. Bcl-2 маркёри билан иммуногистокимёвий бўёқлаш.

Экспрессия даражасининг ортиши аниқланган. Тадқиқот натижалари QuPath-0.4.0.ink дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Қизил рангда белгиланган хужайралар экспрессияга нисбатан мусбат бўлган.

Иммуногистокимёвий тадқиқот натижасига кўра, зиғир мойи билан коррекция қилинган гуруҳдаги 3 ойлик ок каламушларда Bcl-2 маркёрининг 18,13% хужайраларда мембранасида мусбат экспрессияси кузатилди. Бу Bcl-2 антиапоптотик маркери тўқимада фаол ифодаланганини кўрсатади. Худди шундай тадқиқот 5 ойлик ок каламушларда ҳам ўтказилиб, зиғир мойи билан коррекция гуруҳида Bcl-2 маркери 15,1% хужайралар мембранасида мусбат экспрессия бергани аниқланди. Бу ҳолат Bcl-2 молекуласи апоптоз жараёнини тежаб, хужайраларнинг сақланиб қолишига ҳисса қўшаётганини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

1. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда 5 ойлик ок каламушларда тимус капсуласи ва трабекулаларида коллаген толалар тутамларининг ўсиш суръати мос равишда 14,5% ва 27,1% ни ташкил этди. Магиз ва пўстлоқ модда қаватлари қалинлиги мос равишда 3,6% ва 25% га ортди. Магиз қаватдаги хужайралар сони (лимфоцитлар, макрофаглар, дендрит хужайралар ва эпителиоретикулоцитлар) 14,2% дан 30,1% гача ошган бўлса, пўстлоқ қаватда ушбу кўрсаткичлар (лимфоцитлар, макрофаглар, дендрит хужайралар ва Гассал таначалари) 15,7% дан 20,6% гача ўзгарди.

2. Энергетик ичимлик таъсирида назорат гуруҳига нисбатан тимус капсуласи орасидаги трабекулаларда фиброзли қалинлашуви аниқланди. Энг юқори ўзгаришлар 3 ойлик ёшда кузатилиб, капсула ва трабекулалар қалинлиги мос равишда 21,8% ва 32,6% га ошган. Пўстлоқ қават қалинлиги магиз қаватга нисбатан 2–5 бараварга кўпроқ ўсган. Тадқиқотнинг барча ёш давларида пўстлоқ ва магиз қаватларда хужайра элементлари сони ортиши

кузатилди. Гассал таначаларида деградация ва деструкция белгилари, уларнинг марказий қисмида кальций тузларининг тўпланиши, макрофагларнинг фаоллашуви, цитоплазманинг ҳажми ортиши ва вакуолизацияси белгилари қайд этилди.

3. Экспериментда зиғир мойи ва энергетик ичимлик биргаликда қўлланилганда, тимус тўқимасида кузатилган тузилмавий ўзгаришлар фақат энергетик ичимлик таъсиридаги ҳолатга нисбатан камроқ даражада ифодаланган. Бу ҳолат зиғир ёғининг таркибидаги Омега-3 ёғ кислоталарининг антиоксидант, яллиғланишга қарши ва мембраностабилизатор хусусиятлари ҳисобига ҳимоявий таъсири бўлиши мумкинлигидан далолат берди.

4. Каламушлар тимусида антиапоптотик маркер (Bcl-2) билан ўтказилган тадқиқотда, экспрессия даражаси назорат гуруҳига нисбатан 35,15% дан 35,41% гача ошгани аниқланди (назорат гуруҳида бу кўрсаткич мос равишда 7,58% ва 6,41% бўлган). Бу ҳолат ҳужайра ўлими жараёнларининг пасайиши ва натижада тимуснинг иммун функциясининг сусайишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Зиғир ёғи билан коррекция қилинган гуруҳда эса Bcl-2 маркерининг ижобий экспрессияси 3 ойлик ёшда 18,13% ва 5 ойлик ёшда 15,0% ни ташкил этди. Бу ҳолат лимфоцитлар сонининг камайиши, макрофаглар, дендрит ҳужайралари ва Гассал таначалари миқдорининг нормаллашуви орқали ҳужайравий популяциялар ўртасидаги нисбий мувозанат тикланганини кўрсатади. Гистокимёвий таҳлилда эса, экспериментал гуруҳда тимусдаги семиз (базофил) ҳужайралар сони 3,5 мартагача кўпайгани, уларнинг грануляцияси ва базофил бўёқда буялиш хусусияти кучайгани, ядроларнинг марказдан четга силжиши кузатилди. Зиғир ёғи билан коррекция қилинган ҳолатда эса семиз ҳужайралар сони 2,5 мартагача камайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНЕМ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

РАХМОНОВА КАМИЛЛА ЭРКИНОВНА

**ОЦЕНКА СТРУКТУРНО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ
ТИМУСА ПРИ ВОЗДЕЙСТВИИ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО НАПИТКА В
ЭКСПЕРИМЕНТЕ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

Бухара – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2022.2.PhD/Tib2636

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель **Ильясов Азиз Саидмуратович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты **Курбонов Саид Сафарович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахматова Мукаддас Холтаевна
тиббиёт фанлари доктори

Ведущая организация

Самарканд давлат тиббиёт университети

Защита диссертации состоится 18 декабря 2025 года в 12:30 часов на заседании Научного совета DSc.04/29.02.2025.Tib.93.01 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200126, г.Бухара, ул. Гиждуван, дом 23, Тел.: (+998-95) 911-00-50 e-mail: : info@buxmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Гиждуванская, дом 23).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2025 года.)

Ш.Ж.Тешаев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.К. Дустова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc).

А.Р. Облокулов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире по данным всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) глобальные проблемы растущего потребления энергетических напитков, особенно среди молодежи, и потенциальных рисков для здоровья, связанных с их употреблением в последние десятилетия наблюдается значительный рост. Потребление энергетических напитков, содержащих высокие дозы кофеина, сахара и других стимуляторов, может оказывать негативное влияние на органы иммунной системы, включая тимус. Компоненты ЭН способны вызывать окислительный стресс и нарушать гормональный баланс, что потенциально может привести к структурным и функциональным изменениям в тимусе. Ученые предупреждают об опасности кофеиновой интоксикации, которая намного сильнее выражена у детей, чем у взрослых, «...70% молодых людей в возрасте от 18 до 29 лет пьют энергетические напитки, смешивая их с алкоголем...»⁴

В мировом масштабе под воздействием энергетических напитков наблюдается рост числа заболеваний протекающих с нарушениями иммунной системы. В детском и подростковом возрасте тимус активно функционирует, и любые негативные воздействия в этот период могут иметь длительные последствия для иммунной системы, «...нарушения в его морфофункциональной организации могут привести к серьёзным иммунным дисфункциям, особенно в период активного роста...»⁵ Воздействие энергетических напитков на органы иммунной системы, включая тимус, остаётся недостаточно изученным, что требует проведения дальнейших исследований.

В нашей стране комплексно реализуется множество целенаправленных мер, направленных на коренное улучшение системы здравоохранения и повышение качества медицинской помощи, оказываемой населению. В связи с этим определены такие задачи, как «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи в нашей стране, а также создание системы медицинской стандартизации, поддержка здорового образа жизни путем привлечения высокотехнологичных методов, создание эффективных моделей патронажа, диспансеризации и профилактики заболеваний...»⁶ В этом направлении достигнуты положительные результаты в повышении качества лечения заболеваний, вызванных воздействием энергетических напитков, но помимо современных методов лечения, требуется разработка традиционных научно обоснованных методов лечения. Решение этих

4 Трофимов Н. С. и др. Влияние энергетических напитков на здоровье человека //Крымский журнал экспериментальной и клинической медицины. – 2019. – Т. 9. – №. 3. – С. 75-82.

5 Инчли Дж., Карри Д., Будисавлевич С. и др/Том 1. Основные выводы. Копенгаген: Европейское региональное бюро ВОЗ. Доступно по ссылке: <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/332091/9789289055000-eng.pdf>. По состоянию на 13 января 2020 года.

6 Указ Президента Республики Узбекистан УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан»

проблем позволит снизить уровень заболеваемости и осложнений после поражения тимуса, развивающегося вследствие побочного действия вредных веществ в составе энергетических напитков.

Данное диссертационное исследование в определённой степени способствует реализации задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан: № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПФ-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы», а также другими нормативно-правовыми актами, относящимися к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Впервые массовое производство энергетических напитков было налажено в 60-х годах прошлого столетия в Японии (Штерман С.В., 2018).

Всемирная Организация Здравоохранения (2024) The Guardian сообщил о рисках для здоровья энергетических напитков с повышенным риском ожирения, сахарного диабета 2 типа, заболеваний иммунной системы, сердечно-сосудистых заболеваний. Противоположенное мнение выдвинуло европейское управление по безопасности пищевых продуктов (EFSA), которые подтвердили, что энергетические напитки безопасны для здоровья человека.

В период с 2000 по 2019 год Центр по контролю отравлений США сообщил о 5103 случаях негативного воздействия энергетического напитка на организм, среди которых 552 ухудшения общего самочувствия, 1 смерть, 24 серьезных и 527 умеренных расстройств сердечно-сосудистой системы (Demirel A., 2023).

Американской ассоциацией по контролю за продуктами питания и лекарствами (FDA U.S. Food and Drug Administration) в период с 2004 по 2012 год было задокументировано 166 случаев возникновения побочных эффектов, связанных с употреблением энергетических напитков, в том числе 18 смертельных случаев (Başgöze S., 2023).

